

LECTURE-12: “ONLINE MAHALLA” AND INTERNATIONAL DIGITAL TRANSFORMATION

МАЪРУЗА -12: “ОНЛАЙН МАҲАЛЛА” ВА ХАЛҚАРО РАҚАМЛИ ИНТЕГРАЦИЯ

Мамлакатимизда аҳоли муаммоларини аниқлаш, ишларни “маҳаллабай” ташкил этиш, маҳаллани халқ билан давлат ўртасида ишончли кўприк бўлишини амалда таъминлаш, оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу ислохотлар доирасида маҳалла мутасаддиларида янгича дунёқарашни шакллантириш ва касбга оид кўникмаларини ошириш, меҳнат самарадорлигини яхшилаш масалалари устувор вазифа сифатида белгилаб олинди.

“Маҳаллабай” ишлаш тизимининг мақсади, моҳияти ва аҳамиятини аввало шу касб эгаларига тушунтириш, уни амалиётга жорий этилишини таъминлаш ва ушбу тизим занжирининг ҳар бир бўғини ўз функциясини тўла-тўқис бажаришини кафолатлаш бўйича аниқ ва манзилли кўрсатмалар берилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш асосида уларнинг сифат таркибини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада Навоий вилоятида тизимдаги 36 нафар раҳбар-ҳодимга ҳар куни камида иккита маҳаллага кириш, уларнинг мавжуд муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ечими бўйича таклиф киритиш масалаларида шахсий масъулият юклатилган. Ҳафта давомида ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий вазият, аҳоли муаммоларини ўрганиш, оилавий муносабатлар, жиноятчилик, ижтимоий хизматлар ва бошқа бир қатор омиллар ва кўрсаткичлар ҳисоботи асосида ҳулосалар шакллантирилади, маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаолияти натижадорлиги таҳлил қилинади. Бу тамойил асосида ўз лавозимига нолойиқ, деб топилган 69 нафар маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ваколати муддатидан олдин тугатилди, 46 нафар ўринбосар лавозимидан озод этилди.

Шунингдек, мавжуд имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш орқали фуқаролар йиғинлари мутасаддиларининг меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланди. Мазкур йўналишда эса Давлат бошқаруви академияси ва Олий таълим вазирлиги билан ҳамкорликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ва дастурлари ишлаб чиқилди.

Унга кўра, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид янги қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, улардан келиб чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари олдида турган вазифалар билан таништириш, фаолиятига услубий қўмаклашиш белгилаб олинган.

Давлат бошқаруви академиясининг Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан ҳамкорликдаги дастурларига асосан “маҳалла раиси – ислохотчи” ва “маҳаллабай” ишлаш тизими тамойилларини амалиётга жорий этиш механизмлари бўйича машғулотлар ўтказилмоқда. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курси томонидан бу борадаги вазифалар тизимли амалга ошириб келинмоқда.

Йиллар давомида шаклланиб, такомиллашиб келган улкан тизимни бир кунда ёки бир ойда қайта ислоҳ қилиш қийин. Шу аснода, маҳалла институционал тизими бугун янгича ёндашув ва дунёқарашга мослашиб бормоқда. Бугунги кунда маҳалла раисидан ҳар бир масаланинг ичига кириши ва унинг ечими бўйича ўзининг мустақил фикри ва қарорига эга бўлиши талаб этилади. Келиб тушган мурожаатларда кўтарилган масалалар таҳлил қилинса, вилоятда маҳалла ходимлари фаолияти устидан шикоятлар 116 та бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 190 тага камайганлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари, тиббий, ҳуқуқий масалалардаги мурожаатларнинг ижтимоий дафтарлар асосида ҳал этилиши натижасида уларнинг ижобий натижадорлиги 70-80 фоизга ошганлиги кузатилди.

Ҳудудда “Аёллар дафтари” билан ишлашда ва бажарилган вазифалар мониторингида мутлақ янги тизим жорий этилган. Хатлов ишларидан тортиб, муаммоли хотин-қизлар билан амалга оширилган манзилли тадбирлар ва уларга кўрсатилган хизматлар бўйича “маҳалла платформаси” ишлаб чиқилди.

Мазкур платформа, “маҳалла – халқ қабулхонаси – сектор – маҳалла” тамойили асосида фуқароларнинг ҳар бир муаммоси маҳалланинг ўзида ечим топишига хизмат қилади. Натижада фуқаролар давлат идораларининг эшигини тақиллатишига эҳтиёж қолмайди, ортиқча оворагарчиликнинг олди олинади.

“Маҳалла” платформасига фуқаролар йиғини томонидан муаммоли хотин-қизлар тўғрисидаги ахборот жойлаштирилади, халқ қабулхонаси томонидан назорат ўрнатилади, сектор раҳбари ва мутассади ташкилотлар томонидан муаммоли аёллар билан олиб борилган ишлар ва уларга кўрсатилган хизматлар тўғрисида маълумотлар жойлаштириб борилади. Агар маҳалла раиси томонидан қониқиш ҳосил қилинганда, у платформадан чиқарилиши мумкин бўлади. Яъни, электрон ахборот алмашинуви орқали муаммоли хотин-қизлар билан амалга оширилаётган ишлар занжири бевосита маҳалла назоратида бўлади.

Қолаверса, мазкур платформадан келгусида ҳудудий дастурларни тузишда, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини амалга оширишда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш кераклиги хусусидаги маълумотлар базаси сифатида фойдаланилади. Умуман олганда, бу тизим орқали “Аёллар дафтари” билан ишлашда давлат ва жамоат ташкилотлари имкониятларидан янада самарали фойдаланишга замин яратилади. Йиғилишда муҳим масалалардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021

йил 3 декабрдаги ПФ-29-сон Фармони ва 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон қарорига мувофиқ, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ёшлар билан ишлашнинг онлайн тизимини такомиллаштириш вазифалари ижросини таъминлашда идоралараро мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ ташкил этилиши зарурлиги ҳамда электрон платформалар интеграциясини доимий мувофиқлаштириб бориш кераклиги таъкидлаб ўтилди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон Фармонида мувофиқ, Ички ишлар вазирлигига “Smart mahalla” ахборот дастурини ишга тушириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сон қарорига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига “Маҳалла” электрон маълумотлар базасини такомиллаштириш вазифаси юклатилган, — деди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Ботир Парпиев. Шунингдек, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги олдига “Онлайн маҳалла” дастурий таъминоти ҳамда “Онлайн маҳалла” электрон платформасини ишлаб чиқиш вазифаси кўйилган.

Ўзаро мулоқот давомида ўртага ташланган таклифлар асосида барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари учун фойдаланиш мажбурий бўлган, идентификациялашнинг уникал (ID) рақамига эга маҳалла маълумотнома ва классификаторлар ягона регистри ҳамда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларининг рақамли паспортлари ягона базасини ишлаб чиқиш бўйича зарур чоралар белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.05.2022й. 252-сонли қарорига кўра «Онлайн Маҳалла» ахборот тизими ёрдамида қуйидаги йўналишларга субсидиялар ажратилади:

□□Енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) 30 бараваригача миқдорида;

□□Суғориш воситалари хирид қилиш учун – БХМнинг 10 бараваригача миқдорида;

□□Уруғликлар ва кўчатлар сотиш учун - БХМнинг 3 бараваригача миқдорида;

□□Ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун - БХМнинг 10 бараваригача миқдорида;

□□“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги кўлда гилам ва ипак мато тўқиш билан шуғулланувчиларга 3 тадан кам бўлмаган иш ўрни яратиш шarti билан гилам ва ипак мато тўқиш дастгоҳини харид қилишга сарфланадиган ҳаражатларни қоплаш учун – ҳар бир дастгоҳ учун БХМнинг 10 бараваригача миқдорида;

□□“Яйлов хўжалигини ривожлантириш” уюшмасига аъзоларига кўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича ҳаражатларни қоплаш учун камижа битта иш ўрин яратиш шarti билан БХМнинг 10 бараваригача миқдорида;

2022 йил 1 апрелдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида баиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш харажатларини қоплаш учун - БҲМнинг 2 бараваридан ошмаган миқдорида бир марталик;

▫Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун – 7 миллион сўмгача, хотин-қизларга 10 миллион сўмгача;

▫Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз фуқароларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаш учун БҲМнинг 10 бараваригача миқдорида;

▫Хунармандларнинг “Хунарманд” уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун – аъзолик бадали миқдорида;

▫Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳлаётган ишсиз шахсларга – яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун – сарфланадиган харажатларни тўлашда бир марталик;

▫“Уста-шогирд” анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатаётган хунармандларга шогирдлар тайёрлаш, зарур хомашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун – 6 ой давомида ҳар ойда БҲМнинг 2 бараваридан кам бўлмаган миқдорида;

▫Шогирдларга – мустақил фаолият бошлаш учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш учун, шунингдек, усталарга – интернет сайтларини ташкил этиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатларининг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдоридан ошмайдиган қисмига;

▫Касб-хунарга ўқитиш марказларининг ўқув хоналарида ўқитиш қийин бўлган қуйидаги касб йўналишларида “Уста-шогирд” анъаналари асосида хунар ўрганмоқчи бўлган ёшларга ёки хунар ўргатаётган усталарга шогирдлар тайёрлаш ёки шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун – уч ой мобайнида ҳар бир шогирдга ҳар ойда БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади. “Рақамли иқтисодиётга ўтмасак, орқада қолиб кетяпмиз. Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур”, дея таъкидлаган эди Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида.

Ҳақиқатдан ҳам, тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш ҳар қачонгидан муҳим. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб

бормоқда. Тўғри, рақамли иқтисодиётни шакллантириш кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этади, лекин бу ишга бугун киришмасак, эртага кеч бўлиши мумкин.

Инчунун, рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, шу билан бирга, ортиқча харажатларни ҳам камайтиради. Демак, давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали натижадорликни ошириш ва одамлар турмушини кескин яхшилаш лозим.

«Рақамли Ўзбекистон 2030» дастурини жорий этиш, «катта маълумотлар» (“Big data”), «блокчейн», «ақлли», «хавфсиз» шаҳар, «интернет буюмлар» технологияларини кенг жорий қилиш, телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бизнинг асосий мақсадимиз мамлакат ЯИМнинг 30 фоизга ўсиши ҳамда юртимизнинг «рақамли иқтисодиётга тайёрлик» ва «АКТ ривожланиши» халқаро индекслари бўйича илғор давлатлар қаторига киришини таъминлашдан иборат.

Бинобарин, рақамли иқтисодиётга ўтиш энг устувор мақсадимиз бўлиши баробарида бевосита илм-маърифатни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли бугунги тезкор замонда рақамли иқтисодиёт илғор давлатлар иқтисодиётининг барча тармоқларида кенг жорий этилмоқда.

Президентимиз томонидан имзоланган “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарор ахборот технологияларининг ўқитилишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради, десак муболаға бўлмайди.

Унга мувофиқ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта таълим вазирлигининг республика туман ва (шаҳар)ларида мавжуд умумтаълим мактаблари негизида информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич ташкил этилади.

Тегишли вазирликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2020-2022 ўқув йилидан бошлаб ихтисослаштирилган ва бошқа умумтаълим мактабларида «Информатика ва ахборот технологиялари» фанининг «Бир миллион дастурчи» лойиҳасига оид ўқув дастурлари билан босқичма-босқич интеграция қилинишини таъминлайди.

2021/2022 ўқув йилидан ушбу йўналишларда кадрлар тайёрлаётган барча ОТМ мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари ўртасида «Информатика ва ахборот технологиялари» фани бўйича кўп босқичли (туман (шаҳар) – вилоят – олий таълим муассасаси) ўз олимпиадасини ўтказди. Танловда 1-3-ўринларни эгаллаган ўқувчилар биринчи ўқув йили

учун тўлов ОТМнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳолда имтиҳонсиз ўқишга қабул қилинади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарорига асосан 2021 йил 1 январга қадар “Ўзбекистоннинг IT-истеъдодлари” портали ишга туширилади ва унда дастурлаш соҳасида ўтказиладиган олимпиадалар, танловлар ва акциялар тўғрисида маълумотлар жойлаштириб борилади.

Хулоса шуки, юртимизда бу йўналишда кўрилаётган чора-тадбирлар давлат органлари ва тармоқ ташкилотларини малакали IT-мутахассислар билан таъминлаш, меҳнат бозорининг шундай мутахассисларга бўлган талабини қондиришга қаратилган. Президентимиз барчамизни айнан шу соҳадаги билимларни мустаҳкамлаш ва жамиятимиз ҳаётига татбиқ этишга ундаётган экан, фаолиятимиз давомида инновацион ишланмаларни чуқур ўрганишимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги фармони

№ ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси

тўғрисида”. <http://turkiston.uz> (мурожаат санаси: 12.03.2020

2. Digital Economy / Oxford: Oxford University Press, 2017 // Oxford Dictionary

[Electronic resource]. – Mode of Access: [https://en.oxfordd](https://en.oxforddictionaries.com/definition/digital_economy)

ictionaries.com/definition/digital_economy. – Date of access: 15.10.2018.

3. Negroponte, N. Being Digital / N. Negroponte. – NY: Knopf, 1995.

4. Tapscott, D. The Digital Economy: Promise and Peril In The Age of Networked

Intelligence / D. Tapscott. – NY: McGraw-Hill, 1994.

5. Lane, N. Advancing the digital economy into the 21st century / N. Lane // Information Systems Frontiers. – 1999. – Vol. 1. – No 3. – P. 317–320.

6. Mesenbourg, T.L. (2001) Measuring the Digital Economy / T.L. Mesenbourg //

U.S. Bureau of the Census [Electronic resource]. – Mode of Access:

[https://www.census.gov/content/dam/Census/library/working-](https://www.census.gov/content/dam/Census/library/working-papers/2001/econ/digitalecon.pdf)

papers/2001/econ/digitalecon.pdf. – Date of access: 22.10.2018.

7. Развитие цифровой экономики в России. 20 декабря 2016.

Представительство Всемирного банка в России // Всемирный банк

[Электронный

ресурс]. – Режим доступа:

[http://www.vsemirnyjbank.org/ru/events/2016/12/20/developing-the-digital-](http://www.vsemirnyjbank.org/ru/events/2016/12/20/developing-the-digital-economy-in-russia-international-seminar-1)

economy-in-

russia-international-seminar-1. – Дата доступа: 08.10.2018.

8. Бухт Р. Определение, концепция и измерение цифровой экономики / Р.Бухт,

Р. Хикс // Вестник международных организаций – 2018. 13.–Но 2. – С. 143–172.

9. Кунцман, А. А. Трансформация внутренней и внешней среды бизнеса в

условиях цифровой экономики / А. А. Кунцман // Управление экономическими

системами: электронный научный журнал. \– 2016. – Но 11(93). – С. 1–11.

10. Бойко, И. П. Экономика предприятия в цифровую эпоху / И. П. Бойко, М. А.

Евневич, А. В. Колышкин // Российское предпринимательство. – 2017. – Том 18. – Но 7.

– С. 1127–1136.

11. Асанов Р.К. Формирование концепции «цифровой экономики» в современной науке / Р. К. Асанов // Социально-экономические науки и гуманитарные

исследования. – 2016. – Но 15. – С. 143–148.

12. Глазьев, С. Великая цифровая экономика: вызовы и перспективы для

экономики XXI века / С. Глазьев // Завтра.– 2017. – Но 37(1241).–С.4–5.

13. Паньшин, Б. Цифровая экономика: особенности и тенденции развития / Б.

Паньшин // Наука и инновации. – 2016. – Т. 3, Но 157.